41 (371)
2003 йил 15 октябр
Чоршанба

ХАР КИМ САВОБ ИШ КИЛСИН, ХАР КУН САВОБ ИШ КИЛСИН!

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Сотувда эркин нархда

Облод маҳалла йилида «Mahalla»ни ўқиб

ОБОД МАҲАЛЛА ЙИЛИ: 288-кун

2 ● Жамоатчилик фикри...
● Беллашиш навбати маҳалла полвонларига

3 ● Газ ҳисоблагич нафақат газни, истемолчи маблағини ҳам тежайди!

4 ● Мирзо Улуғбекка куёв бўлолмаган Абубакр Мирзо.
● Ошиқ, машуқа ва гулхайри.

Тадбирларда

Тошкент шаҳри

"МАҲАЛЛА - БИЗНИНГ ОИЛА"

Республика "Славутич" украин маданияти маркази ҳамда Тошкент шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими "Маҳалла - бизнинг оила" мавзусида дўстлик байрамини ўтказди.

Уни "Славутич" Украин маданияти маркази раиси Николай Зинченко ва Тошкент шаҳар Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси шаҳар бўлими раиси Рихситилла Акромовлар табрик сўзлари билан очишди. Шундан сўнг сўзга чиққанлар ўзбек ва украин халқи дўстлиги тарихи ҳамда бугуни ҳақида сўзладилар. Украин ва ўзбек санъаткорлари ўз санъатлари билан йиғилганларга байрамона кайфият бахш этишди

Тошкент вилояти

САЛОМАТЛИК ҲАР КУН КЕРАК

Ибн Сино Халқаро жамғармаси Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси, Тошкент Врачлар малакасини ошириш институти ҳамда Тошкент вилояти ҳокимлигида Паркент туманида "Оилада тиббий маданиятни ошириш - давр талаби" мавзусида илмий-амалий семинар ўтказди.

Уни туман ҳокими М.Куччиев, Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси Бошқаруви раиси А.Гадойбоев, Ибн Сино Халқаро жамғармаси Бошқаруви раиси Ш.Эргашевлар кириш сўзи билан очдилар.

Семинар тингловчилари туман маҳаллалари фаоллари тиббиёт ходимлари, тиббиёт соҳаси бўйича илмий ходимларнинг инсон саломатлигини сақлашнинг энг муқим томонлари ҳақида маърузалар тингладилар.

«Маҳалламиз паҳлавонлари» турнирида

БОБОЛАРДАН ЎРНАК ОЛГАН БОЛАЛАР

Р.ГАЛИЕВ олган сурат

Азал-азалдан ўзбек маҳаллаларида полвонлар ўртасида кураш мусобақалари ўтказиб келингани ҳақида тарихий манбалар ва адабий асарларда кўплаб мисолларни учратиш мумкин. Дарҳақиқат, ўзбекнинг хонадонида тўй ёки бошқа қувончли воқеалар муносабати билан ташкил этилган баҳсларда узоқ-яқиндан тўпланган паҳлавонлар ким кучлироқ эканини ҳалол жангда рақиб курагини ерга текизиб исботлашга уринган.

Мустақиллик шарофати ила ўзбек кураши жаҳонга чиқди. Миллий кураш бўйича мамлакат ва халқаро миқёсда федерациялар тузилиб, уларнинг фаолияти тобора кенг кўлам ёймоқда. Ўзбек кураши бўйича "Президент кубоги" мусобақаларининг узвий давоми сифатида жаҳон чемпионатлари ўтказила бошланди. Дунёнинг турли мамлакатларида ўзбек кураши билан шуғулланувчилар сони ортиб бормоқда.

Маҳалла болалари ва фахрийлари ўртасида "Маҳалламиз паҳлавонлари" республика турнири ҳам анъанавий тус олди. Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси, Ўзбекистон Миллий кураш федерацияси, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа бир қатор ҳомийлар ҳамкорлигида ташкил этиб, ўтказаётган ушбу мусобақаларда йилдан-йилга кўплаб ёш иқтидорли полвонлар ўз омадларини синаб кўришмоқда.

Куни кеча пойтахтимиздаги "Жар" спорт соғломлаштириш мажмуасида "Обод маҳалла йили" дастури доирасида анъанавий "Маҳалламиз паҳлавонлари" республика турнирининг якунловчи финал мусобақалари бўлиб ўтди.

Аввал ўзлари истиқомат қилаётган маҳаллада рақибларидан устун келган полвонлар, кейинчалик босқ-

Давоми 2-саҳифада

● Одамларимиз саховатли...

АКРОМ ОТА КЎПРИГИ

Бу йилги баҳорнинг серёғин келиши натижасида Қорадарёнинг тошиб, ҳайқириб оқиши унинг икки қирғоғида яшовчи аҳолиларга катта ташвиш келтирди. Сув тўлқини Балиқчи туманидаги Хўжаобод қишлоғини Олтинкўл туманидаги "Андижон" ширкат хўжалиги билан боғлаб турган 210 метрлик узунликдаги катта осма кўприкни бузиб яроқсиз ҳолга келтирди. Кўприкнинг шу атрофдаги 10 га яқин маҳалла аҳолиси учун нақадар катта аҳамиятга эга эканлиги ҳеч қанча вақт ўтмай сезилиб қолди. 150 га яқин ўқувчилар Олтинкўл туманининг турли лицей ва коллежларига шу осма кўприк орқали ўтишиб ўқишар эди. Ваҳоланки кўприк бўлмаса нариги қирғоққа ўтиш учун Чинобод орқали 30 километр айланиб юришга тўғри келади.

Аълам маҳалласида яшовчи оддий деҳқон, 73 ёшли Акромжон ота Мирзаев қишлоқ оқсоқолларини чорлаб шундай деди:

— Биродарлар, ҳаж зиёратини ният қилиб, чорвачилик ва деҳқончиликдан топган даромадларимни йиғиб келар эдим. Осма кўприкнинг бузилиши туфайли одамларимиз қийналиб кетишди. Мен ҳаж учун тўплаган барча маблағимни кўприк қурилиши учун сарфлайман. Қишлоқ оқсоқоллари 9 нафар фарзанднинг отаси, бир қанча невара-чевараларнинг бобоси бўлган Акромжон отанинг ҳимматига офарин айтишиб, иш бошлашга фотиҳа бердилар.

Осма кўприк учун зарур материаллар сотиб олинди. Мутахассислар Жўрабек Мансуров, Давлатбек Ғойипов, Одилжон Парпиевлар белни маҳкам боғлашиб ишни бошлашди. Маҳалладан кунига 4-5 тадан ёрдамчилар кўмак беришди. Уларни 45 кун давомида озиқ-овқат билан таъминлашни ҳам Акромжон ота Мирзаев ўз зиммасига олди.

Кўприк очилиши байрамга айланиб кетди.

Туман раҳбарлари Акромжон ота Мирзаевнинг олижаноблиги барчага ибрат эканлигини, диндорлар унинг саховати хайрли, савобли иш эканлигини таъкидладилар. Ҳамқишлоқлари янги кўприкни алақачон Акром ота кўприги, деб номлаб бўлишди.

Абдуқаҳҳор ТУРДАЛИЕВ,
Андижон вилояти Балиқчи тумани Хўжаобод қишлоғи Аълам маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

● Пахтакорларга ҳамкор

ОҚСОҚОЛЛАР «ОҚ ОЛТИН» ЖОНКУЯРЛАРИ

Юртимизда халқимизнинг асосий меҳнат маҳсули бўлган пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш авжи паллага кирди. Анъанавий одатимиз ва пахта ҳосилини тезроқ йиғиштириб олиш тақазосига кўра йиғим-терим ҳаммамизнинг юмушига айланди. Бу ўринда маҳалла оқсоқоллари ҳам умум ишидан четда қолмаяптилар.

Қашқадарё вилояти

ҒОЛИБЛАРГА СОВРИНЛАР БОР

Регзор маҳалла аҳолиси ўтган беш кунликда пахта йиғим-теримида нафақат Косон туманида, балки бутун Қашқадарё вилоятида пешқадамлик қилди. Улар терган пахталари учун бир миллион 800 минг сўм ҳақ олишди.

Туман ҳокимлиги йиғим-теримда фаоллик кўрсатаётган маҳалла фуқаролар йиғинини телевизор билан тақдирлади.

Вилоят ҳокимлиги пахтачилик соҳасида мавсумда уюшқоқлик кўрсатган ва энг кўп пахта терган қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳамда маҳаллалар аҳли учун ҳам совринлар ташкил этди. Ғолиблар «Нексия», «Дамас» ҳамда «Тико» енгил автомашиналари билан тақдирланадилар.

Шунингдек, пахта йиғим-теримида фаол иштирок этган фуқаролар республика сиҳаттоҳларида даволаниш ва дам олиш учун ўнлаб бепул йўлланмалар, маҳалла йиғиқлари компьютерлар билан тақдирланадиган бўлди.

Тошкент вилояти

Суратда: янгийўллик оқсоқоллар хирмон тарозу-

Янгийўл шаҳрининг мавжуд 12 та маҳалласи оқсоқоллари, посбонлари, котибалари, педагог-тарбиячилари ўзаро маслаҳатни бир жойга қўйиб, Янгийўл тумани пахта далаларидаги ҳосилни йиғиб олишда кўмаклашишга аҳд қилишди.

Ўз мухбиримиз.

МАҲАЛЛАЛАР БЕЛЛАШУВИ

"Маҳалла" жамғармаси Поп тумани бўлинмаси маҳаллалар ўртасида спорт-соғломлаштириш ишларига алоҳида аҳамият бериб келмоқда. Бу эса ўз самарасини беряпти.

Маҳаллалар ўртасида ташкил этилган "Футболимиз келажаги" республика мусобақаси вилоят босқичи Поп шаҳрининг Пахтакор ва Халқабод шаҳарча фуқаролар йиғинидаги Халқабод маҳаллаларининг ёш ўсмирлари фаол қатнашиб, 2-3-ўринни қўлга киритиши ҳам бежиз эмас.

Яқинда жамғарма совринни учун спортнинг волейбол тури бўйича туман биринчилиги ўтказилди. Унда қишлоқ ва шаҳарча фуқаролар йиғинидаги маҳаллалар ўртасида ғолиб бўлган жамоалар беллашди. Ғоят қизиқарли ва муросасиз кечган баҳсларда Поп шаҳрининг Пахтакор маҳалласи ёшлари бош соврин соҳиби бўлишди.

Бахтиёр ТУРДАЛИЕВ.
Поп тумани.

Жиззах вилояти

Корхона раҳбари эътиборида

ТАШЛАНДИҚ ЖОЙ ЎРНИДА СПОРТ МАЖМУАСИ

Кейинги йилларда эътибордан четда, ташландиқ бўлиб ётган жойларни обод, кўнгилочар гўшаларга айлантириш анъанага айланиб бормоқда. Жиззах шаҳридаги Кимёгар маҳалласининг қоқ ўртасида ҳам шундай, кишида ёмон таассурот қолдирадиган очиқ майдон бор эди. Ҳукуматимизнинг болалар спортини ривожлантириш, инсонлар саломатлигини мустаҳкамлаш учун олиб бораётган кўрсатмаларини амалда бажаришга киришган "Жиззах" Пластмасса очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти жамоаси спорт мажмуаси қуришга киришиб хайрли ишга қўл урди. Қисқа муддат ичида бу ерда 15 миллион сўмлик ишлар бажарилиб, маҳалланинг гўзал ҳудудига айланиб қолди. Майдонлар кўкаламзорлаштирилди, минглаб дарахт қаламчалари ўтказилди, атрофи деворлар билан айлантирилди. Ҳозир бу ерда спортнинг футбол, волейбол, баскетбол, енгил атлетика каби ўнлаб турлари билан шуғулланишга имконият яратилди. Корхонанинг "Кимёгар" футбол командаси мусобақаларда қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда.

П. ТОЖИБОЕВ
«Mahalla» мухбири

Фарғона вилояти

ДАСТЛАБКИ МАШҒУЛОТ

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ МАҲАЛЛА МАРКАЗИДА "МАҲАЛЛА ЗИЁСИ" РЕСПУБЛИКА ЎҚУВ УСЛУБИЙ МАРКАЗИ ФИЛИАЛИ ОЧИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси "Маҳалла" жамғармаси бошқарувининг қарорига асосан Фарғона шаҳрида "Маҳалла зиёси" республика ўқув услубий марказининг филиали очилди. Унинг дастлабки ўқув машғулотида Фарғона, Марғилон шаҳарлари ва Қиргули туманидан келган маҳаллалар оқсоқоллари қатнашдилар.

Тингловчиларга вилоят Адлия бошқармасининг ҳуқуқий маърифат-тарғибот Маркази раҳбари, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди Эгамберди Қўзиев "Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонуни ва уни ҳаётга татбиқ этиш", вилоят "Маънавият ва маърифат" маркази етакчи мутахассиси Мўминжон Раҳимов "Миллий истиқлол ғояси - Ўзбекистон халқининг фуқаролик жамияти, юксак тараққий этган давлат қуриш йўлидаги бирдамлик ва аҳиллик асоси" темалари бўйича маърузалар билан чиқдилар.

Келгусида бу ерда Андижон ва Наманган вилоятлари маҳаллаларининг оқсоқоллари ҳам ўз билим савияларини оширадилар.

Қодир ШОДМОНОВ,
"Mahalla" мухбири.

Навоий вилояти

Кармана тумани Деҳқон маҳалласида "Ўзбегим" аёллар, ногиронлар ва ёшларнинг маърифат ва маънавият ўқув маркази иш бошлади.

МАҲАЛЛАДА ЎҚУВ МАРКАЗИ

Марказнинг асосий мақсади Деҳқон маҳалласи фуқароларини, айниқса аёллар, ногиронлар ва ёшларнинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётдаги ролини ошириш ва турмуш даражасини яхшилаш, уларнинг маънавий дунёсини бойитиш, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ўзгарувчан иқтисодий ислоҳотлар жараёнида улар иқтисодий ҳолатини барқарорлаштириш, хотин-қизлар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, меҳнат ва жамоат вазифалари масалалари, миллий меросни ўрганиш, оммалаштириш ва сақлаб қолишга кўмаклашишдан иборатдир.

Шу йўналишда жорий йилнинг август ойида марказнинг биринчи амалий семинари Навоий вилояти "Ташаббус" гуруҳи билан ҳамкорликда маҳаллада фаол хотин-қизлар, ёшлар, тадбиркор йигитлар иштирокида ўтказилди. Бу тадбир тўрт кун муддатда давом этди ва баҳс мунозараларга бой, қизиқарли бўлди. Марказ COMMISSION SMAII GRANTS COORDINATOR RUBLIC AFFAIRS SECTION U. S. EMLASSU фонди лойиҳаси асосида молиялаштирилиб, фаолият юритади.

Р.КОМИЛОВА,
Кармана тумани Деҳқон маҳалласи фуқаролар йиғини раиси.

Mahalla
Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 00123-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр кўрсаткичи: 149
Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти
Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй
Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.
Таҳририятга келган хат ва мақолалар таҳрир қилинмайди ва эгаларига қайтарилмайди.
Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.
Таҳририят

PREMIER OIL АФҒОНИСТОНГА ҚИЗИҚИШ БИЛДИРМОҚДА

Афғонистонда барқарорлик ўрнатилиши билан жаҳондаги кўплаб йирик компаниялар-нинг у ердаги е р о с т и бойликларига қизиқиши қайта жонланмоқда. Масалан, Буюк Британиянинг Premier Oil нефт компанияси Афғонистонда нефт ва газ қазиб олиш режасини ўрганиб чиқмоқда.

Оммавий ахборот воситалари тарқатган хабарларга қараганда, компаниянинг Покистондаги бўлими раҳбари Патрик Берд Афғонистонга бориб, мазкур соҳа мутасаддилари билан келгусида ҳамкорликни йўлга қўйиш масаласини муҳокама қилган. Маҳаллий телевидениенинг маълум қилишича, П.Берд компания Афғонистонда нефт ва газ қазиб олишни йўлга қўйиш ниятида эканини маълум қилган.

Компания ўзининг сармоя киритишдаги дадилликлари билан анча машҳур. Premier Oil бу борада кўпроқ трансмиллий йўллар компанияларида иш юритишга ҳаракат қилади. Ҳозир компания ходимлари Албания, Гвинея-Бисау ва Покистонда фаолият юритмоқда.

Хуллас, Premier Oil Афғонистон билан ҳамкорликни бошлашни режалаштиряпти. Шу вақтга қадар кўрилган барча лойиҳаларда мазкур мамлакатга Туркманистон газини олиб ўтиш йўли сифатида қаралиб келинган эди. Соҳа мутахассислари эса Афғонистонда ҳам газ қазиб олиш мумкин бўлган конларнинг талайгина эканини тахмин қилаётир.

Маълумотларга кўра, ўтган асрнинг 70-йилларида Афғонистондаги газ заҳираси ҳажми 141,5 миллиард куб метрга тенг бўлган. Америкалик мутахассисларининг таъкидлашича, ўша йилнинг охирида мамлакатда кунига 12 миллион куб метр газ қазиб олинган. Йигирма йилдан ортиқ давом этган қуролли можаролар янги конларни ўрганиш ва қазиб олишга имкон бермади.

Айни вақтда Афғонистон муваққат ҳукумати чел эл сармоясининг мамлакатга кириб келиши учун тинимсиз ҳаракат қилмоқда. Кузатувчилар, нефт ва газ қазиб чиқариш йўлга қўйилса, бунинг мамлакат иқтисодиёти учун муҳим аҳамиятга эга бўлиши шубҳасиз эканини айтмоқда.

Мамлакатнинг ўзида мазкур маҳсулотга талаб унчалик катта эмас. Шу боис, газ конлари топилиб, қазиш ишлари бошланса, маҳсулот асосан экспорт қилинади. Бу ердан қазиб олинадиган газ билан қўшни Покистон, Ҳиндистон ва Бангладешнинг эҳтиёжини бемалол қондириш мумкин.

Фазлиддин АРЗИЕВ,
ЎзА шарҳловчиси

● Обод маҳалла йили тадқиқотлари

Мамлакатимизда 2003 йилнинг Обод маҳалла йили деб эълон қилиниши нафақат биз, балки турли хорижий ташкилотларнинг маҳалла фаолиятига бўлган қизиқишини янада орттирди. Хусусан, кўплаб халқаро ташкилотлар маҳалла билан ҳамкор фаолият кўрсатса, унга кўмак берса, баъзилари унинг фаолияти юзасидан тадқиқотлар ўтказиб, эълон ҳам қилишмоқда. Афсуски, баъзи бир хорижий ташкилотларнинг кузатуви натижаси сифатида тайёрланган ҳужжатлардан маҳалла фаолиятига етарли даражада ўрганилмасдан, бир ёқламалик билан ёндашилаётгани, қолаверса холислик етишмаётганлиги сезилиб қолмоқда. Шу боисдан «Mahalla» газетаси таҳририяти Республика «Ижтимоий фикр» маркази томонидан ўтказилган ижтимоий сўров натижалари тафсилотини эълон қилишни лозим кўрди.

МАҲАЛЛА
ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ КЎЗГУСИДА

Жамоатчилик фикрини ўрганиш «Ижтимоий фикр» Маркази томонидан мамлакатимизнинг барча вилоятлари, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон республикасида «Маҳалла жамоатчилик фикрида» мавзусида ижтимоий сўров ўтказилди.

Сўровнинг асосий мақсади: Ўзбекистон аҳолисининг маҳалла ҳақидаги фикри, унинг кишилар ҳаётида тутган ўрни, аҳолининг маҳаллада ўтказиладиган тўй ва базмлар, маърака ва тадбирларга муносабатини ўрганиш ва бошқа ижтимоий-сиёсий, маънавий масалаларда маҳалла қандай фаолият кўрсатаётганлиги аниқлаш эди.

Сўровда Республика бўйича 1743 нафар респондентлар иштирок этди.

Респондентларнинг миллий таркиби: ўзбеклар - 79,7 фойиз, Марказий Осиё халқлари 10,0 фойиз, славянлар 6,9 фойиз ва бошқа миллат вакиллари 3,9 фойиз.

Эркаклар - 857, аёллар - 886 нафар.

Респондентларнинг ёш бўйича тақсимланиши: 18-19 ёшлилар 6,8; 20-29 ёшлилар 24,8; 30-39 ёшлилар 25,6; 40-49 ёшлилар 21,5; 50 ёш ва ундан катталар 21,3 фойиз. Шунингдек, уларнинг маълумотлари ҳам аҳоли маълумотлилиги даражасига мос қилиб олинди.

Шаҳарликлар - 35,0 фойизни, қишлоқда яшовчилар эса 65,0 фойизни ташкил этади.

Сўров Республикамизда истиқомат қилаётган 18 ёшдан тортиб 50 ва ундан катта ёшдаги 12 миллиондан зиёд фуқаролар орасидан илмий асосда саралаш йўли билан ташкил этилди.

Респондентларнинг 65,1 фойизи ўз оиласи ёки шахсан ўзларининг муаммоларини ҳал этиш учун маҳалла фуқаролар йиғинларига мурожаат қилиб турадилар.

2003 йилнинг Обод маҳалла йили деб эълон қилинганлигидан аҳоли қандай даражада хабардор? Сўровномада қатнашган 1743 респондентларнинг 76,5 фойизи 2003 йилнинг Обод маҳалла йили деб аталганлигини яхши биладилар. 12,3 фойиз респондентлар эса шу ҳақда эшитган. Шу билан бирга, 11,0 фойиз респондент бундан хабардор эмаслигини билдирган. 11,2 фойиз респондент эса берилган саволга жавоб бермаган. Лекин вилоятлар бўйича олинган жавоблар таҳлили шуни кўрсатдики, кўпчилик вилоятларда респондентлар 2003 йилни «Обод маҳалла йили» деб эълон қилинганлигини яхши биладилар.

«Обод маҳалла деганда Сиз нималарни тасаввур қиласиз?» деган саволга олинган жавоблардан маълум бўлдики, республика миқёсида сўровда қатнашган кишиларнинг учдан бир қисми қўркам ва чиройли кўчаларни кўз олдиларига келтирадалар. 26,0 фойиз респондентлар эса тинчлик ва осойишталик ўрнатилган аҳоли яшайдиган жойни, 17,5 фойиз респондентлар одамлар орасида ўзаро меҳр-оқибат ва аҳиллик ҳукм сурган жойни тасаввур қиладилар. Қолган респондентлар эса қўни-қўшнилар ўртасида дўстлик ва бирдамлик, ўзаро ҳурмат, шунингдек тартиб-интизом ўрнатилган маҳаллани тасаввур қиладилар.

«Сизнинг ҳаётингизда ва оилангизда маҳалланинг ўрни қандай?» деган саволга олинган жавоблар шуни кўрсатдики, 60,6 фойиз респондентлар кишилар ва оила ҳаётида маҳалланинг аҳамияти «жуда катта» деб фикрлайдилар. 27,7 фойиз респондент эса «унчалик катта эмас» деб ҳисоблайди. Кўриниб турибдики, аксарият кўпчилик маҳаллани шахс ва оила ҳаётидаги аҳамиятини катта деб кўрсатади. Бу эса маҳалла қадимдан ўзбекларга хос ҳаёт тарзи бўлиб келганлигидан далолат беради.

60,0 фоизга яқин респондентларнинг маҳалла тадбирларида мунтазам иштирок этишларини кўрсатиши ҳам маҳаллани кишилар ҳаёти билан чамбарчас боғланганлигини кўрсатади. Шунинг учун ҳам улар маҳаллада ўтказилган тўй-маъракаларда, Наврўз ва Мустақиллик куни байрамларида қатнашиб келадилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, респондентларнинг 65,1 фойизи ўз оиласи ёки шахсий муаммоларини ҳал этиш учун маҳалла фуқаролар йиғинларга мурожаат қиладилар.

Ўтказилган сўров натижалари шуни кўрсатадики, маҳалла фуқаролар йиғинига мурожаат қилган респондентларнинг 28,0 фойизи муаммоларини тўла ҳал этиб берганлигини, 33,0 фойизи респондентлар қисман ҳал этганлигини қайд этган. 8,9 фойиз респондентлар эса маҳалла йиғинларининг мавжуд муаммоларни ҳал этишда ёрдам бермаганлигини ёзган.

Сўров анкетага «Оналар ва болаларни муҳофаза қилиш учун маҳаллангизда қандай ишлар амалга оширилмоқда?» деган савол киритилди. 57,4 фойиз респондентлар берилган саволга маҳаллада кўп болали кам таъминланган оилаларга ва ёлғиз оналарга нафақалар бериб турилганлигини, 14,1 фойиз респондентлар кўп болали оилаларга маҳалла ҳисобидан хайрия пуллари ажратилишини, 4,2 фойиз респондентлар кўп болали ёлғиз аёлларга маҳалла жамғармасидан хайрия пуллари берилишини кўрсатган. Шу билан бирга 7,6 фойиз респондентлар маҳаллада бундай масалалар бўйича ҳеч қандай иш қилинмаслигини қайд этган.

Маҳаллаларда аҳоли ўртасида ўтказилган тадқиқотнинг сўровномага «1998 йилдаги тўй маросимлари ва маъракаларни тартибга келтириш тўғрисида Президентимиз Фармони эълон қилингач, маҳаллангизда тўйлар қандай ўтмоқда?» деган савол ҳам қўйилган эди. Ушбу саволга олинган жавоблар натижалари шуни кўрсатдики, 1743 нафар респондентлардан тўртдан бир қисми дастлаб тўйлар бироз тартибга тушганлигини, лекин ҳозирги вақтда яна олдингидай дабдаба билан ўтказилаётганлигини кўрсатишган.

Респондентлардан 92,3 фойизи дабдадали тўйлар ва базмларни миллий қадриятларимизни сохталаштиришга олиб келаётганлигини, баъзи кишиларнинг шуҳратпарастликка берилиб кетиб ўзини кўз-кўз қилиш деб баҳо берганлар.

Тадқиқот натижаларидан яна маълум бўлдики, республика бўйича 61,3 фойиз респондентлар ўз оила аъзоларининг ҳаётига ёки унинг аҳлоқига таллуқли масалаларни ечилишида аввало оила аъзоларининг хоҳиш ва манфаатларини ҳисобга олади. 35,5 фойиз респондентлар эса маҳаллада қабул қилинган хулқ-атвор қоидаларини эътиборга олади.

Сўров натижаларидан яна маълум бўлдики, республика бўйича 60,1 фойиз респондентлар ўз маҳалласида маҳалла фуқаролар йиғини аъзоларини сайлаш ҳақидаги йиғиндан хабардор бўлади. 70,2 фойиз респондентлар йиғин раҳбарларини фаолларини сайлашда қатнашиш лозимлиги ўзининг бурчи деб биладилар. Лекин улардан 15,9 фойизи йиғилишда берган овозининг деярли ҳал қилувчи рол ўйнамаслигини кўрсатган. Бу ўринда яна шуни айтиш керакки, 18-29 ёшгача бўлган ёшлардан кўра ундан катта ёшдаги кишилар маҳалла йиғилишида фаол қатнашадилар .

Ўтказилган тадқиқот саволлари қаторига «Сиз ёки оила аъзоларингиз олида турган муаммоларнинг қай бирини маҳаллангиз ҳал қила олади, қай бирини ҳал қила олмайди?» деган савол ҳам киритилди. Мазкур саволга 71,3 фойиз респондентлар мунтазам иш ҳақи тўланадиган доимий иш топишда маҳалланинг кучи етмаслигини эътироф этишади. Фақат 14,0 фойиз респондентларгина йиғин бундай ишларни амалга ошира олади деб ўйлади.

«Маҳалла оиладаги ички муаммоларни ҳал қила оладими?» деган саволга 63,1 фойиз респондент ижобий жавоб қилган. Шунингдек 82,5 фойиз респондентлар маҳалланинг кўни-қўшнилар ўртасидаги келишмовчиликни бартараф этишига, 84,4 фойиз респондент тўй, маърака, дафн маросимларни ташкил этишига ишонади.

Шу билан бирга баъзи муаммолар борки, уларни ҳал этишда маҳалланинг кучи етмайди. Масалан, 52,6 фойиз респондент маҳалланинг аҳолини газ, кўмир ва ёқилғи билан, 48,7 фойиз респондент тоза ичимлик суви билан таъминлай олмаслигини кўрсатган.

1743 нафар респондентлардан фақат 312 нафари маҳалладаги бой одамларнинг шу маҳаллада яшайдиган камбағал ва ночор, муҳтож одамларга ёрдам бериб туришларни кўрсатган.

Маълмки, маҳалланинг обод бўлишида, таълим-тарбияли, аҳлоқ-одобли ёшларни тарбиялашда маҳалла оқсоқолининг аҳамияти ғоят каттадир. Шундан келиб чиқиб, респондентларга берилган «Маҳаллангиз оқсоқолини биласизми?» деган саволга олинган жавоблар таҳлилидан маълум бўлдики, 82,4 фойиз респондентлар маҳалла оқсоқолини яхши биладилар.17,6 фойиз респондент эса билмайди.

Озод ОТАМИРЗАЕВ,
«Ижтимоий фикр» Маркази директор ўринбосари, профессор.

Сурхондарё вилояти

ШАҲАРДАН ҚОЛИШМАЙДИГАН ҚИШЛОҚ

Шеробод туманидаги Чўянчи қишлоғида кўпчилик ташвиши билан яшайдиган бир инсон бор. У шу номдаги маҳалланинг жонкуяр оқсоқоли Абдуҳолиқ Ортиқовдир.

Унинг мутахассислиги - иқтисодчи. Олий билимгоҳни битириб келгандан сўнг у кўплар қатори Сурхон-Шеробод чўлларини ўзлаштиришда фаол иштирок этди. Кейинчалик А.Ортиқов республикада янги ташкил этилаётган Хўжаикон туз ишлаб чиқариш корхонасига раҳбарлик қилди.

Фуқароларга арзон нархда чорва ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириб бериш мақсадида 32 гектар ерга 200 бош соғин сигирга мўлжалланган молхона қурилди. У ишчиларни сут-қатиқ билан таъминлади. Фуқароларнинг кўкат, памидор, бодринг, лимон, апелсин, мандарин каби маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини қондириш ва арзон баҳода сотиш учун 1000 квадрат метр майдонни ишғол қилган иссиқхона қурилиб, ишга туширилди.

Ҳаёт тақозоси билан А.Ортиқов иқтисодий ночор аҳволга тушиб қолган бадиий сопол буюмлар заводига раҳбар этиб тайинланиб, уни қисқа муддатда барқарорлашган корхонага айлантирди ва сопол буюмлари ишлаб чиқариш бўйича республикада III ўринга олиб чиқди.

1993-2002 йилларда А.Ортиқовнинг яна янги ташкилот очиш ва уни ишга туширишига тўғри келди. Хўжалик-ҳисобидаги мева-сабзавот тайёрлаш ва сотиш идорасига раҳбарлик қилди. Ўтган йил бошидан эса нафақада бўлиш билан бирга тумандаги Чўянчи маҳалла фуқаролар йиғини оқсоқоли ва туман Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" хайрия жамғармаси раиси вазифаларида ишлаб келмоқда.

Ўзини ўзи бошқариш органлари келажакни ўйлаб иш тутиши кераклигини яхши ҳис қилган А.Ортиқов маҳаллага инфратузилмани олиб кириш мақсадида Чўянчи маҳалла ҳудудидаги учта қишлоқда 8 та тегирмон, 5 та сартарошхона, 3 та пойабзал таъмирлаш пункти, 6 жойда новвойхона, 2 та қандолатчилик цехи қурдириб, 52 нафар кишини иш билан таъминлади.

Қўшимча даромад топиш мақсадида маҳалла гузари учун ер ажратиб олиб, идорадан ташқари теннис корти, яхна сув, музқаймоқ, тижорат дўконлари, чилангарлик цехи қурилди. Маҳалла гузарида боғ ташкил этилиб, картошка, пиёз етиштирилмоқда.

"Обод маҳалла йили" да маҳалла ҳудудидаги Чўянчи-Туғиз, Янги-Сайидобод қишлоқларида ободончилик ишлари олиб борилди. Жами 231810 туп ҳар хил мевали ва манзарали дарахтлар экилди. Ҳар бир хонадонга камида 10 тупдан кўп йиллик гуллар экилди. 2003 йил март-апрел ойларида Американинг СЧФ ташкилоти билан ҳамкорликда ишлаб 231 хонадонга зангори олов кириб боришига эришилди. Ҳадемай, тиббиёт шоҳобчаси, ёшлар учун стадион қурилишига ҳам киришилади.

Ўтганларни қадрлаш, уларнинг руҳини шод қилиш ҳар бир инсоннинг бурчи, деб билган оқсоқол ҳудудидаги 56-мактабда генерал Чори Жўраев музейини мактаб маъмурияти билан биргаликда ташкиллаштирди.

О.ШУКУРОВ,
А.НАБИЕВ.

(Аввали 1-саҳифада)

Аввал ўзлари истиқомат қилаётган маҳаллада рақибларидан устун келган полвонлар, кейинчалик боскичма-боскич туман, вилоят мусобақаларида куч синашишди. Республика финалига йўлланмаларни эса кучлиларнинг кучлиларигина қўлга киритишга эришишди.

Майдонда мамлакатимизнинг деярли барча вилоятларидан ташриф буюрган элликдан зиёд отахон курашганида уларнинг ёши олтмишдан ошганига унчамунча одам ишониши қийин эди. Чунки уларнинг юзидан ёғилиб турган куч ва шижоат, ғайрат курашни томоша қилаётганларни ром этмай қўймасди. Эпчиллик, чаққонлик ва зарур пайтда энг мақбул усулни қўллай олишларини томоша қилиб, йиллар давомида сайқал топган маҳорат ва тажриба ўз сўзини айтаётганини тушуниш мумкин.

Ўз навбатида, отахонларга муносиб издош бўлиш мақсадида кураш майдонида дастлабки қадамларини қўяётган 1989-90 йилларда туғилган 196 нафар ўғил ва қизлар бешта вазн тоифасида ким энг кучли эканини аниқлашга ҳаракат қилишди. Охир-оқибат кимдир чемпионлик унвонини қўлга киритди, баъзилар шоҳсупага кўтарилди, баъзилар рақиблар устунроқ эканини тан олишига тўғри келди. Бироқ мусобақада иштирок этганларнинг бирортасини ютқазди дейишга тил бормайди. Чунки спорт билан дўст тутинган барчабарча соғлом турмуш тарзининг афзалликларини анг-

БОБОЛАРДАН ЎРНАК ОЛИБ

лаб етгани, эртага ота-оналари ўрнини эгаллаб ватанимиз равнақи йўлида фаолият кўрсатажак ёшларга ишонса бўлишини кўрсатиб турибди. Демак, бу сафар курашда ҳамма ғалаба қозонди.

Умумкоманда ҳисобида совринли ўринларни Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари ва қорақалпоғистонлик курашчилар эгаллашди.

Мусобақанинг тантанали ёпилиш маросимида Ташкилий қўмитага бошчилик қилган Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви раиси Аъзамжон Ғадойбоев ҳамда ҳомий ташкилотлар раҳбарлари ғолиб ва совриндорларга медаллар билан бирга кўплаб қимматбаҳо совғаларни топширишди. Мусобақаларни юксак савияда ўтказишга Республика кураш ҳакамлари ҳайъати раиси Олимжон Ҳайитов бошчилигидаги ҳакамлар ва "Жар" спорт соғломлаштириш мажмуаси ходимлари катта ҳисса қўшишди.

Курашчилар навбатдаги мусобақагача илиқ хайрлашишди.

Машҳурахон ТЎХТАМИРЗАЕВА.

Муносабат: «Ривоятлар ва ҳикоятлар» 2003 йил 24 сентябр

«АГАР ИЛМИНГИЗ ЕТМАСА...»

«Mahalla» газетасининг 2003 йил 24 сентябр сонида Мухтор Худойқуловнинг «Ривоятлар ва ҳикоятлар» китобидан парча эълон қилинган эди. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Фатво ҳайъати мазкур мақоладаги баъзи маълумотлар юзасидан ўз мулоҳазаларини билдиришни лозим топди.

Мазкур мақолада инсоният тарихининг илк саҳифалари ҳақида сўз боради. Муаллифнинг бу мавзуга эътибор қаратиб, қалам тебратгани таҳсинга лойиқ иш бўлгани ҳолда, ундаги баъзи маълумотларга аниқлик киритиш зарур деб ўйладик.

Жумладан, «Шиш пайғамбар жумбоғи» деган сатрларда пайғамбар Шис (алайҳиссалом) ҳақида қуйидагича баён қилинади: «...Мавлоно Рабғузийнинг маълумотларига қараганда, бу зотнинг асли номи Шиша бўлган, чунки у шишада уруғлантирилиб, одам ҳолига келтирилган илк сунъий инсондир».

Носириддин Рабғузийнинг «Қисаси Рабғузий» китобида Шиша эмас, Шис деб ёзилган: «Қобилдан кезик юз ўттуз йил кечди, Шис туғилди» деб ёзади (Н.Б.Рабғузий. «Қисаси Рабғузий», Тошкент, 1990. 1-китоб, 33-бет). Борди-ю Одам (алайҳиссалом) даврида шиша мавжуд бўлганда ҳам, айнан ҳозирги ўзбек тилидаги маънода ишлатилганми?! Ҳар ҳолда, бунинг учун бирор далил йўқ. «Гумон асло ҳақиқат ўрнига ўтмас» (Нажм сураси, 28-оят).

Муаллиф шиша ҳақидаги фикрга тескари бўлган иккинчи иқтибосни келтириш орқали яна хатога йўл қўяди:

«Шишнинг маъноси Ҳайбатуллоҳ демак бўлур», - деб ёзади Абулғози Баҳодурхон «Шажарайи турк»да. Яъни, Ҳайбатуллоҳ дегани Аллоҳ томонидан яратилган ва кишида қўрқув аралаш эҳтиром ва яна ажабланиш ҳиссини уйғотувчи одам деганидир».

Барча илмий ва тарихий асарларда «Шис» сўзи ҳайбатуллоҳ эмас, ҳибатуллоҳ, яъни «Аллоҳнинг инъоми» деган маънони англатиши қайд этилган. Узоққа бормай, яна Н.Рабғузийнинг юқорида зикр этилган асарига назар ташласак, у ерда шундай дейилади: «Шис сурёний тилинда «ҳибатуллоҳ» темак бўлур, яъни Тангри атоси» (Н.Б.Рабғузий. «Қисаси Рабғузий», Тошкент, 1990. 1-китоб, 33-бет).

Машҳур тарихчи Ҳофиз Ибн Касир (раҳимаҳуллоҳ) ўзининг «ал-Бидоя ва ан-ниҳоя» китобида шундай ёзади: «Аллоҳ таоло Одам ва Ҳаво (алайҳиссалом)га фарзандлари Ҳобил ўлдирилгандан сўнг анча вақт ўтиб, бир фарзанд ато этди ва унинг номини «Шис» деб қўйдилар. Шиснинг маъноси ҳибатуллоҳ, яъни «Аллоҳнинг инъоми» демакдир» (Ибн Касир. «Ал-Бидоя ва ан-ниҳоя», 1-жилд, 88-бет).

Муҳтарам ёзувчимизнинг пайғамбарлар тарихига бундай эътиборсизлик билан қарашлари бир хато бўлса, иккинчи томондан мақола XXI асрга таҳдид солиб турган «сунъий инсон яратиш» (клонлаштириш) борасидаги иддаоларни қўллаб-қувватлаши тушунилади.

Шунингдек, «Имонлилар кемаси» номли кичик сарлавҳа остида берилган ҳикояда муаллиф «Одам Атонинг илк аждодлари» деган иборани келтирганлар. Ваҳоланки, «аждод» боболар, «авлод» фарзандлар маъносини англатади. Агар «Одам Ато» деганда бутун инсоният назарда тутилган бўлса, бу хатодир.

Бундан ташқари, Нуҳ а.с.нинг пайғамбарлик қилган даврлари ҳақида ҳам Қуръони каримда зикр этилган маълумотга зид келувчи хабар ёзилган: «Нуҳ пайғамбар икки юз эллик ёшга етганда Аллоҳ таоло уни пайғамбар қилиб, халқни роҳи-рост га бошлаш учун юборган экан. Нуҳ пайғамбар етти юз йил мобайнида одамларни тангрини топишга чақирибди...»

Аллоҳ таоло Қуръони каримда: «Биз Нуҳни ўз қавмига (пайғамбар қилиб) юбордик. Бас, у уларнинг орасида эллик йили кам минг йил турди...» - дейди (Анкабут сураси, 14-оят). «Қисаси Рабғузий» китобида келтиришича: - «Айтмишлар, Нуҳ юз ёшга етганида унга пайғамбарлик келди. Эллик кам минг йил даъват қилди. Тўфондан сўнг уч юз эллик йил яшади» (Н.Б.Рабғузий. «Қисаси Рабғузий», Тошкент, 1990. 1-китоб, 46-бет).

«Балони билган шайтон» номли парчада ҳам ҳеч бир китоб ва ақидага тўғри келмайдиган «янгилик» мавжуд. Аллоҳ таоло Одам (алайҳиссалом)ни яратгандан сўнг, фаришталарга унга таъзим қилишни буюргани, барча фаришталар таъзим қилиб, шайтон бош тортгани маълум. Лекин, муҳтарам муаллиф ибораларини ўқиган китобхон ҳайратдан ёқа ушлаши аниқ. Масалан: «Тангри уни лаънатлаб: «Йўқол!» - деб ҳайдаб юборди. Шайтон эса «қаҳ-қаҳ уриб кулиб: «Кўрамиз яратган инсонинг сенинг йўлингдан юрармикин?» - деб учиб кетибди» - деган қисмини олайлик. Бунда шайтон гўё Аллоҳ таолони ожиз қолдирган ва унинг олдида Аллоҳ ҳам чорасиз қолгандек ифодаланган. Ушбу ифодаларни ҳеч бир таъвил ёки баҳона билан оқлаб бўлмайди.

Ислом дини илмга ҳурмат билан қараб, илм аҳлини юксакларга кўтаради. Чунки, олимлар Аллоҳнинг бандалари орасидаги йўлчи юлдуз, уларни доимо эзгулик сари бошловчи ва ҳақиқатни юзага чиқарувчи зотлардир. Ҳадиси шарифда: «Умматимнинг олимлари Бани Исроилнинг пайғамбарлари мақомидадирлар», деб марҳамат қилинади. Пайғамбарлар инсонларни ҳидоят ва ҳақиқат сари етаклашга масъул бўлганларидек, олимларнинг зиммаларига ҳам худди шундай вазифа юкланган. Айниқса, тарихдан сўз очилганда ўтмиш аждодларимизнинг руҳониятига озор бермасдан, асосли бўлса гапириб, билмаганига сукут сақлаш аҳли илм ва аҳли фазлларга хос хислатдир. Шунинг учун машойихлар: «Олим адашса, олам адашади» деб бежиз айтишмаган.

Сўзимиз сўнгида шуни айтмоқчимизки, биз муҳтарам адибимиз Мухтор Худойқуловнинг танқидини кўзламадик. Балки, халқимизнинг «чумчуқ сўйса ҳам, қассоб сўйсин» деган нақли борлигини эслатиб қўймоқчимиз, холос. Бу борада Қуръони каримда: «Агар илмингиз етмаса ўзингиздан илмлироқ кишилардан сўранг» деб марҳамат қилинган (Наҳл сураси, 43-оят). Шунинг учун дин ва эътиқодга тегишли мақола, китоб ва бошқа илмий нашрлар мутахассислар билан бамаслаҳат амалга оширилса, фойдадан холи бўлмас эди.

Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Фатво ҳайъати.

САМАРҚАНД: Зангори олов — ҳар хонадонга

Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти фуқароларнинг турмуши қай даражада фаровон эканлиги билан белгиланади. Демак, ҳар бир оиланинг фарвонлиги маҳалла ободлигига, маҳалла ободлиги эса юртимиз салоҳиятининг юксалишига улуш бўлиб қўшилади. Шунинг учун ҳам мустақиллик йилларида юртимизнинг энг чекка гўшаларини ҳам ичимлик суви, электр энергияси ва табиий газ билан таъминлаш борасида кенг кўламдаги тадбирлар белгиланиб, қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқда. 1991 йилда Самарқанд вилоятида газлаштириш даражаси 43 фойизни ташкил этган бўлса, бугунги кунда бу кўрсаткич 86,5 фойизга етди. Аҳолини табиий газ билан таъминлаш борасида вилоятда фаолият юритаётган соҳа мутахассислари ва хизматчи ходимларининг саъй-ҳаракатлари таҳсинга лойиқдир. Айни кунда вилоятда:

*** - 415309 хонадон табиий газ билан таъминланган;**
*** - улардан 40 фойизига газ ўлчагичлар ўрнатилган;**
*** - фойдаланилаётган газ қувурларининг узунлиги 11768 км га етди;**
*** - туман марказларидан олис қишлоқларнинг 70 фойизи газлаштирилган;**
*** - 1067 нафар маҳалланинг 931 тасининг аҳли табиий газдан фойдаланмоқда;**
*** - йил бошидан бери 634,5 млн. сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди.**

Айни кунда газ ўлчагичларни ўрнатишда тарғибот-ташвиқот ишларининг аҳамияти жуда катта. Жомбой тумани «Жомбойгазтаъминот» корхонаси бўлим бошлиғи Ботир Қодиров (ўртада) газчилар билан ташвиқот ишларининг боришини муҳокама қилмоқда.

● Фидойилик бор экан...

ГАЗЛАШТИРИШ — ОБОДЛИКНИНГ БЕЛГИСИ

Аслида айтганда, шу йилнинг бошигача "Самарқандвилоятгаз-"нинг фаолияти унчалик мақтанарли даражада эмасди. Йил бошида ишни қатъий интизом асосида ташкил қилишга қарор қилдик. Асосий эътибор кадрлардан ўз ўрнида, унумли фойдаланишга қаратилди. Мақсадимиз - Вазирлар Маҳкамасининг фаолиятимизга доир бир нечта қарорларини бажариш, ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириб, вилоятимиз аҳолисини табиий газ билан тўлиқ таъминлашдир.

Хонадонларга электр ҳисоблагичлар ўрнатишда пайвандчилар етишмасди. Пайвандчиларни ишга чорлаб, вилоят бўйлаб эълонлар тарқатдик. Бу тадбирнинг самараси ўлароқ, ўнлаб пайвандчи бригадалар тузилди. Натижада хонадонларга газ ҳисоблагичларни ўрнатиш борасидаги ишлар сезиларли даражада жадаллашди. Айни кунда вилоятда 136 та ана шундай бригада фаолият юргизмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, газ ҳисоблагичларни ўрнатиш бир неча жиҳатлари билан истеъмолчига ҳам, таъминотчига ҳам фойдалидир. Энг аввало, газ ҳисоблагич ўрнатилган хонадонларда ундан фойдаланганлик учун тўловларни тўлашда ҳисобкитоблар аниқ бўлади, яъни истеъмолчининг маблағи, вақти тежалади. Қолаверса, ҳисоблагич бўлгандан кейин хонадон соҳиблари ҳам уни бекорга сарфламай, тежаб, эҳтиёж доирасида ишлатадилар, натижада газ тежалади. Унинг тежалиши эса олис қишлоқларимизга газ етказишда жуда муҳимдир. Қўшработ ва Нуробод туманлари газ ҳисоблагич ўрнатилиши борасида нафақат вилоятда, ҳатто республикада энг илғори ҳисобланади. Бу туманларда ушбу кўрсаткич 95-97 фойизни ташкил этади.

Вилоятдаги маҳаллаларнинг деярли 86,5 фойиз аҳолиси бугунги кунда табиий газдан фойдаланмоқда. Чекка қишлоқларимизни газлаштириш бўйича эса 81 фойизлик маррага етдик. Бундай кўрсаткичларга эришиш соҳа мутахассислари, газчи-пайвандчиларимизнинг фидойилик билан меҳнат қилиши самарасидир.

Мустақиллик туфайли барча соҳа кишилари учун эркин ишлаш, имкониятлар излаш учун шароит яратилди. Ютуқларимизнинг асоси биздаги ана шу имкониятлар деб биламиз. Қўшработ туманида узунлиги 30,5 км диаметри 273 мм ли магистрал газ тармоғи, Оқдарё туманида Янгиқўрғон газ тақсимлаш станцияси ва 14,8 км магистрал газ тармоғи, Ургут туманида 27 км узунликдаги магистрал газ қувури ва газ тақсимлаш станцияси айнан сўнгги йилларда қурилган катта иншоотлар сирасига киради. Ушбу йилдаги фаолиятимизда маҳалла ва қишлоқ фуқаролари йиғинларини ҳамкорликнинг самараси жуда катта бўлди. Чунки ушбу — Обод маҳалла йилида маҳаллаларнинг газ билан таъминланиши йиғинлар учун ҳам муҳим масалалардан бирига айланди. Айниқса, газ ҳисоблагичларнинг афзалликларини аҳолига тушунтириш, ташвиқот қилиш, тўловларни ўз вақтида йиғиш борасида йиғинлар оқсоқоллари ва фаоллари биз билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқдалар. Чунки маҳалла ҳар қанча кўркам бўлмасин, бордию унинг фуқаролари табиий газ билан таъминланмаган бўлса, уни том маънодаги обод маҳалла деб бўлмайди.Ҳозирги кунда вилоятнинг 931 нафар маҳалла йиғинлари табиий газдан фойдаланганлик учун тўловларни аҳолидан йиғишда ҳамкорлик қилиш тўғрисида жойлардаги газ хўжаликлари билан шартнома тузганлар. Ўз навбатида газ хўжаликлари ҳам ушбу тўловлардан 10 фойизини уни ўз вақтида амалга оширган йиғинлар ҳисобига ўтказмоқдалар. Бундай ҳамкорлик жуда яхши самара бермоқда.

Шавкат УСМОНОВ,
"Самарқандгазтаъминот" бошқармаси бошлиғи.

● Оқсоқол фикри

ҲИСОБЛИ ДЎСТ АЙРИЛМАС...

деганларидек, газ тўловлари ўз вақтида тўланса, маҳалладошларимиз хонадонидан зангори олов аримайди!

Бир оилага ҳар ойда газдан фойдаланганлик учун 4000 сўм тўлаш қайдаю, 400 сўм тўлаш қайда? Оила ҳамёни учун фарқи албатта сезиларлида. Хўш бу фарқ қачон сезилади? Албатта газ ҳисоблагични ўрнатган хонадон бу фарқни бир ой муддат ўтиши биланоқ сезиши мумкин. Шунинг учун ҳукуматимизнинг юртимиз хонадонларига газ ўлчагичларини ўрнатиш ҳақидаги қарори энг аввало аҳоли манфаатларини кўзлагандир.

Газ ўлчагичи оила маблағи иқтисоди ва тўловларнинг ўз вақтида тўланиши учун хизмат қилади. Буни қарангки, газ ўлчагични хонадонга насияга ҳам ўрнатиш, яъни унинг учун тўловни бирдан тўлаш шарт эмас, ойма-ой маълум қисмини тўдаб бориш мумкин. Хуллас, газ ўлчагич фуқароларимиз учун жуда фойдали асбоб. Фақат буни уларга тўғри тушунтириш, тарғибот қилиш лозим. Бу албатта кўпроқ маҳалла оқсоқоллари, фаоллари зиммасига тушади. Ва албатта улар газчилар билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқдалар. Бу ҳамкорлик айниқса, ушбу йилда яхши йўлга қўйилди. "Самарқандгазтаъминот" бошқармасининг ушбу йилдаги фаолияти жуда самарали бўлди. Илгари анча-мунча қарзи бўлган бу ташкилот ишни омилкорлик билан ташкиллаш натижасида кўз олдимизда ўзини тиклаб олди. Газчилар кечани кеча, кундузни кундуз демай ишламоқдалар, десак, муболаға бўлмас. Улар олис, чекка қишлоқларда ҳам жонбозлик кўрсатимоқдалар. Олисдан келиб меҳнат қилаётган пайвандчи-усталарни бошпана билан таъминлаш ва бошқа ташкилий юмушлар албатта жойлардаги оқсоқолларга юклатилган. Айни кундаги суръатлар сустлаштирилмаса, тез кунда вилоятимизда газ таъминоти борасида муаммолар умуман барҳам топади. Газчилар билан оқсоқолларимизнинг ушбу - Обод маҳалла йилидаги ҳамкорлиги маҳаллаларимизнинг ҳар жиҳатдан обод бўлишига катта ҳисса бўлиб қўшилди.

Таънаберди ҚУРБОНОВ,
Самарқанд вилояти Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими раиси.



«Сувжиҳозгаз» ўзбек-хитой қўшма корхонаси усталари Шаҳобиддин Ширинов ва Низомиддин Жўраевлар ҳар бир газ ҳисоблагични синчковлик билан кўздан кечирадилар.



Темирйўл туманидаги Дамариқ маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Эркин Мухторов (ўртада) газ ўлчагич ўрнатилаётган хонадон соҳибларига асбобнинг афзалликлари ҳақида тушунтирмоқда.

ГАЗ ҲИСОБЛАГИЧ — КРЕДИТГА

бу истеъмолчи учун жуда қулай!

Айни кунда газдан фойдаланувчи истеъмолчилар учун ҳам, соҳа ходимлари ва мутахассислари учун энг долзарб масалалардан бири — ҳар бир хонадонга газ ўлчагич асбобнинг ўрнатилишидир.

"Бошкоммунгаз" томонидан ажратилаётган газ ҳисоблагичлар истеъмолчи ва таъминотчи ўртасидаги ўзаро шартномага асосан 5 йил ва 2 йил муддатга кредит тариқасида ўрнатилмоқда. Газ ҳисоблагичларда бирон нуқсон борлиги аниқланса, 3 кун ичида алмаштириб берилиши, ёки икки йил муддат ичида хонадон соҳибининг айбисиз бузилса, таъмирлаб берилиши кафолатланади. Буни "Сувжиҳозгаз" ўзбек-хитой қўшма-корхонаси амалга оширади. Чунки газ ҳисоблагич асбоблари Хитойнинг "Машимпекс" корпорацияси корхоналарида ишлаб чиқарилмоқда. Нуқсон билан чиқарилган ёки фойдаланиш давомида ишдан чиққан газ ҳисоблагичларни шу ернинг ўзида таъмирлаш ёки янгисига алмаштиришни кўзлаб ушбу қўшма корхона ташкил этилган. Белгиланган режани уддалаш учун вилоятимиздаги маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари, оқсоқоллари билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқдамиз. Тарғибот-ташвиқот ишларида биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз яхши самара бермоқда. Бундан ташқари вилоят телевидениеси, радиоси ва оммавий нашрлар орқали шу мавзудаги кўрсатув ва эшиттиришлар, эълонлар берилмоқда. Ишни жадаллаштириш учун имкони бўлса, пайвандловчи усталарни маҳаллаларнинг ўзидан жалб қилмоқдамиз.

С.САЪДУЛЛАЕВ,
ГҲЎН бўлими бошлиғи.

● Муаммо ва ечим

ҚАРЗДОРЛАР КАМАЙМОҚДА

Сиёб, Боғишамол, Темирйўл туманларида йил бошида анчамунча муаммолар йиғилиб қолганди. Ишчи кучи етишмагани боис шартнома асосида ишлаш учун пайвандчиларни жалб этдик. Улардан тузилган бригадалар дам олиш ва байрам кунлари ҳам меҳнат қилишди. Маҳаллаларни ҳар жиҳатдан ободонлаштириш шиори остида ўтаётган ушбу йилда аҳолини газ билан таъминлаш борасида ҳам, ундан фойдаланганлик учун тўловларни ундиришда ҳам сезиларли ижобий ўзгаришларга эришдик. Газчиларимизнинг фаолиятида фуқаролар ўртасида ташвиқот ишларини олиб боришда маҳалла оқсоқоллари билан ҳамкорликлари жуда қўл келмоқда. Ишни ташкиллаштиришда айнан улар бизнинг яқин маслаҳатчимизга айланган.

2003-2004 йилларда шаҳримизда газ таъминотини яхшилаш борасида аниқ режалар белгилаб олганмиз. Бу режага асосан ушбу йилда мўлжалланган юмушларнинг катта қисмини бажаришга улгурдик. Аҳмад Яссавий номли, Мачити Қўнғироқдор маҳаллаларида 600 метр, Лолазор маҳалласида 1250 метр узунликда 100 мм ли газ қувурлари ётқизилди. Озод маҳалласида эса 300 метр масофага газ қувури ётқизилиб, газ тақсимлаш станцияси ўрнатилди. Бугунги кунга келиб, шаҳримиздаги 95977 та хонадонда зангори олов ёнмоқда. Ўтган йили 11694 та хонадонга газ ўлчагич ўрнатган эдик. Ушбу йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида эса 32867 та хонадонга газ ўлчагич ўрнатишга улгурдик. Ҳамшаҳарларимиз газ ўлчагич ўрнатишнинг фойдали жиҳатларини яхши англамоқдалар. Тўловлардан қарздор бўлган фуқароларимиз сони кундан-кунга камаймоқда.

Ҳадемай ўлкамизга қиш фасли ҳам кириб келади. Совуқ тушгунча қилинадиган ишларимиз талайгина. Шунинг учун ҳам айни пайтда газчиларимизнинг тин олишга вақтлари йўқ, хонадонларга газ ҳисоблагичлар ўрнатишдан ташқари кўп йиллар давомида фойдаланиб келинаётган, таъмирталаб қувурларни таъмирлаш, янгиларидан тўғри фойдаланишни назоратдан ўтказишга ҳам улгуришимиз керак.

Барот ЁРМАТОВ,
"Самарқандшаҳаргазтаъминот" бўлими бошлиғи.



Яна бир хонадонга газ ҳисоблагич ўрнатилди.

ОҚСОҚОЛГА ҲАМКОРМИЗ

Бу ҳамкорлик маҳалла йиғинлари раисларининг вақтини тежамоқда

Шаҳримизда газчиларнинг маҳалла йиғинлари билан ҳамкорлигини яхшироқ таъминлаш мақсадида яна бир тартиб йўлга қўйилганки, бунинг самарасини эътироф этиш жоиздир. Шаҳримиздаги ёнма-ён жойлашган ҳар учта маҳалла битта округга жипслашган. Масалан, бизнинг округ Дўстлик, Ҳаймар ва Панжоб маҳаллаларини бирлаштиради. Мана шу учта маҳалла ҳудудидаги газ таъминоти газ ҳисоблагичларни ўрнатиш, ёки тўловларни ўз вақтида йиғиш борасида бирор муаммо бўлса, бу ҳақда округ раисига албатта хабар қилинади. Округ раиси дарҳол муаммо ечимини излашга киришади. Бизнингча, газ таъминотини яхшилаш ва тўловларнинг ўз вақтида тўланишига эришиш долзарб масалалардан бирига айланган айни дамда маҳаллалар ишини бу тарзда мувофиқлаштириш яхши самара бермоқда. Биринчидан, маҳалла оқсоқоли газ билан боғлиқ муаммоларга ортиқча вақт сарфламайди, иккинчидан газ таъминотига масъул идора мутасаддилари ҳам округ раиси орқали маҳалла оқсоқоллари билан боғланиш имконига эга бўладилар.

Округ раиси сифатида фаолиятим давомида бу усулнинг самарали эканига ишонч ҳосил қилдим.

Мусулмон МАМАДИЁРОВ.

М.ҚОСИМОВА, Ҳ.ҲОШИМОВ ва О.САРМОНОВ (суратлар) тайёрлашди.

Олам турфа

НОЁБ ОПЕРАЦИЯ

Австрия мамлакатида тиббиёт тарихида биринчи марта инсон тилида хавфли ўсма касаллиги борлиги аниқланган. 42 ёшли беморда хавфли касалликка чалинган тил олиб ташланиб ўрнига бошқа одамнинг тили тикиб қўйилди, деб хабар қилади «Риа-Новости» агентлиги.

Операция 14 соат давом этди ва муваффақият билан тугади. Вена шаҳридаги «Тез ёрдам» станцияси умумий касалхонасининг врачлари беморнинг аҳволи қониқарли эканлигини ва кейин ҳам ҳеч қандай асорат қолмаслигига ишонч ҳосил қилинганлигини айтишди.

ЧАҚАЛОҚ АТТРАКЦИОНДА ТУҒИЛДИ

Кострома шаҳар туғруқхонасининг ҳамшираси ҳомиладор аёлга одатдан ташқари маслаҳат - каруселда учишни тавсия қилади ва шу аснода чақалоқ туғилади.

Аслида ҳомиладорлик муддати ўтиб кетган эди, лекин бола туғилишидан ҳамон дарак йўқ эди.

Тўлғоқ қўзғатувчи укол ва бошқа дори-дармонлардан ҳомиладор аёл кескин воз кечди. Шунда ҳамшира яшин тезлигида учадиган аттракционда сайр қилишни маслаҳат беради. Ҳомиладор аёл Ольга Денисова ушбу маслаҳатни жиддий равишда қабул қилади ва турмуш ўртоғи билан шаҳардаги маданият ва истироҳат боғида «Саккизоёқ»ни эслатувчи «Спрут» аттракционида сайр қилишади.

Натижада тўлғоқ ҳавода бошланади. Яхшиямки, «Тез ёрдам» машинаси зудлик билан етиб келди ва бир соатдан кейин ёш она янги туғилган чақалоқни бағрига босди.

32 КИЛОЛИК... «ИСИРҒА»

Тбилиси шаҳрида яшовчи 23 ёшли Лаша Патария Гинесс рекордлар китобига ёзилишга қарор қилди. Маҳаллий газеталарнинг бирида хабар берилишича ёш йигит 32 килолик спорт тошини қулоғи..... ёрдамида кўтаришга жазм қилди. У рекордни ўрнатиш мақсадида тошга арқон боғлади ва арқоннинг бир учини сиртмоқ шаклида тугди ва сиртмоқни қулоғига илиб тошни бемалол кўтара олди. Лаша бу билан ҳам қаноатланмади. Ўзининг «қудратли» қулоқлари билан ва ўша арқон ёрдамида «Жигули» автомашинасини турган жойидан бир метр нарига силжитиб қўйди.

ЯРИМ САОТЛИК «МИЛЛИОНЕРЛАР»

Колонияда ўз муддатини ўтаб чиққан икки ёш данғаса йигитлар ишламасдан бой бўлиб яшашни орзу қилдидар.

Улар ўз мақсадларини амалга ошириш мақсадида улар Иваново шаҳридаги тўқимачилик фабрикаларидан бирини кўзладилар, чунки бу фабрикага тез орада ойлик маошларни тўлаш учун катта миқдордаги пулни олиб келишлари керак эди. Иккала шерик милтиқ ва маска билан қуролланиб, пул олиб келаётган машинани тўхтатиб куппа-кундаги, одамларнинг кўз олдида ўзларининг режаларини амалга оширдилар. Улар ҳеч қандай ўқ узмасдан, саноқли дақиқаларда икки миллион 791 минг рублни ўмариб «Урал» русумли мотоциклда кўздан ғойиб бўлдилар.

Лекин тезкор милиция ходимларининг саъй-ҳаракатлари билан 30 дақиқадан сўнг ўғрилар қўлга олиндилар.

Муҳсинжон АҲМЕДОВ тайёрлади.

● Изҳори дил

ОҲ, ГУЛХАЙРИ!

(Тоғда туғилган қўшиқ)

Қўшиқнинг яратилиши тарихий асосга эга бўлиб, унинг ҳаяжонли тафсилотлари «Mahalla» газетасининг 30 июл сонида босилган.

Ҳе-е-ей...
Буган Бахмал дарасида
Бошланади қиз сайри,
Дуркун қизлар орасида
Севганим бор - Гулхайри.
Ҳе-е-ей, Гулхайрижон, Гулхайри
Сен улардан қол айри.

Ҳу, адирлар ўнгрида
Зап гуллабди гулхайри,
-Новдаларинг бир оз эг-да,
Ёрим яширгил, майли?
Ҳе-е-ей, Гулхайрижон, Гулхайри
Сен улардан қол айри.

Маҳбубамни ром этганга
Олиб қолди гулхайри.
- Юр, мен билан қишлоғимга
Бўлмагин, ёр, кўп ғайри.
Оҳ, Гулхайрижон, жон Хайри
Менинг билан қол, Хайри!

Бу замин-у, сарҳадаларда
Йўқ сенингдек чиройли!
Дилим оху зорин айтсам;
Мен Мажнунман, Сен - Лайли
Эй, Гулхайрижон жон Хайри,
Менинг билан қол, Хайри.

Ҳе-е-ей!
Маҳбубамнинг сочларига
Қўниб ўйнар капалак.
Висол чоғи ёр дилига
Йўл тополмай жоним ҳалак!
Ҳе-е-ей Хайрихон, жон Хайри,
Менинг билан қол, Хайри.

Эссиз, бир кун ўроқчи
Ўриб кетди гулимни,
Э, воҳ, тақдир-қароқчи
Вайрон этди дилимни.
Алвидо, жон Хайрихон!
Ақлу-ҳушим - лол, Хайри!

Ёнимдагин топмаган эдим,
Ишқ майини тотмаган эдим.
Эй, фалак қисматингдан -
Шунчалар лол қотмаган эдим.
Оҳ, Хайрихон, жон Хайри,
Ақлу-хушим лол, Хайри!

Ҳе-е-ей!
Гулу Хайрим, гулингга,
Фақат гуллар қўшурман.
Руҳинг менда яшайди
Мен сенинг-ла яшарман.
Хайр Хайрихон, жон Хайри
Руҳинг менга ёр, Хайри.

Рауф РАҲИМ,
Бахмал тумани
Оққўрғон маҳалласи.

● Ривоятлар ва ҳикоятлар

ТЎРТ САТР - ОЛАМГА ТАТИР

А.ҲАЙИТМЕТОВ

Абубакир Мирзо: ундан бизга фақат тўрт сатргина маълум холос.

Алишер Навоий 1490-1491 йилларда "Мажолисун-нафоис" тазкирасини туза бошлар экан, темурий ижодкорлар таржимаи ҳоли ва ижоди таҳлилига махсус еттинчи бобни бағишлаган. Бу бобда Навоий биринчи ўринда улуғ шажаранинг асосчиси Амир Темур Кўрагон, иккинчи ўринда Шоҳруҳ тўғрисида ғоят қизиқарли ва муҳим маълумотларни берган.

Улардан кейин Навоий шоиртабиат ҳукмдор Халил Султон ёки улуғ подшоҳ ва олим Улуғбек ҳақида маълумот бериши мумкин эди. Бироқ Навоий уларни кейинроққа олиб, учинчи ўринда Шоҳруҳнинг Жўкий Мирзо исмли ўғлига фарзанд бўлмиш Абубакр Мирзо ҳақида ахборот берган. Жўкий Мирзо эса Улуғбекнинг бир ота ва бир онадан туғилган кичик укаси эди.

«Навоий нега бундай қилди?» - деган савол туғилиши табиий. Бизнинг мулоҳазамизча, бу тасодифий бўлмай, бир неча жиддий сабаблар туфайли юз берган. Биринчи сабаб - Абубакр Мирзо Шоҳруҳга набира бўлиш билан бирга темурийлар орасида мардлик ва жасурликда, қиличбозликда тенгсиз бўлган ёки унга тенглашадиганлар бармоқ билан санарли бўлган. Унинг ҳарбий салоҳияти тўғрисида Навоий бу ўринда: "(Шоҳруҳга) набира бўлур. Баҳодирлиғи ва қиличи зарби Чиғатой улусида машҳурдур", - деб ёзиши асло бежиз эмас.

Қолаверса, Абубакр Мирзонинг шоирлик истеъдоди шу қадар юқори бўлганки, буни ҳатто Навоийдек соҳиби шеър ҳам тан олган. Шу билан бирга шеърда у анъанавий мавзуларда эмас, балки кўпроқ мардлик, шижоат, ўз юртига садоқат мавзуларида қалам тебратган. У ўз шеърларининг шаклан ихчам, услубан ёрқин ва халқчил бўлишига катта аҳамият берган. Бу тўғрида Навоий ёзади:

"Чун табъида назм чошниси бор эрмиш, ҳамул баҳодирлуқ таврида бу туюқ андин машҳурдурким:

Эр керак ўртанса,
ёнса ёлина.
Ёра еб, ётса
отининг ёлина.
Ит ўлуми бирла
ўлсун номурод, -
Эр отониб
душманиға ёлина".

Мазмуни:

Ўзини эр деб билган одам, куйиб-пишиб, ўз ўти билан ёниб яшамоғи керак.

(Душман билан жангда) яраланганда ҳам у (отидан тушиб кетмай), отининг ёлига ёпишиб, ўзини тутиб тура билмоғи зарур.

Ўзини эр деб ҳисоблаган ҳолда хоинлик йўлига кирган бадбахтлар эса -

Душман қўлида хор-зор бўлиб, ит ўлимини топмоғлари жоиз.

Ўзбек адабиёти тарихида камдан кам шоир мардликни, жангчига, ҳақиқий йигитга хос жанговарлик фазилатларини бу қадар улуғлаб, хоинлик йўлини тутганларни эса бу қадар нафрат билан тасвир этган. Бу туюқ шаклида ёзилган шеър шоир ҳаётлигидаёқ одамларнинг оғзига тушган, асрлар давомида фуқароларимизни ўз халқига ва Ватанига садоқатли бўлиш руҳида тарбиялашга хизмат қилиб келмоқда. Иккинчи жаҳон уруши даврида ёзувчиларимизнинг фронтдаги жангчи ўғлонларга мурожаатларида ҳам бу шеър кўп тилга олингани эсимда.

Шеър туюқ шаклида ёзилган бўлиб, бунда ҳар бир сўз бир олам маънога эга бўлиши билан бирга, шоир шеър талабларига тўла риоя қилган ва айни вақтда ўз шеърий маҳоратини ёрқин намоён этган. Қофия учун танланган "ёлин" сўзи эса бир неча маънода келган. Шоирнинг бошқа асарлари бизгача етиб келмаган бўлиб, у шу бир туюғи билан ҳам адабиётимиз тарихида мустаҳкам ўрин эгаллаган.

«Умуман бу шоирнинг инсоний тақдири қандай бўлган?» - деган савол туғилиши ҳам табиий. Бир сўз билан айтганда, унинг тақдири аянчли бўлган.

Гап шундаки, Шоҳруҳ вафотидан (1447 йил) кейин мамлакатда унинг ворислари орасида тахтга даъвогарлар кўпайиб кетган. Улар орасида, минг афсуски, Абубакр Мирзо ҳам бор эди. Ёзишларича, Абубакр Мирзо 1427 йили Ҳиротда туғилган ва оилада кенжа ўғил бўлган. Отаси - Жўкий Мирзо вафотидан кейин бобоси Шоҳруҳ унга Хуросоннинг Хутталон, Арҳанг ва Соли Сарой вилоятларини суюрғал тарзида берган эди. Шундай мурувват унинг акаси Муҳаммад Қосимга ҳам кўрсатилган. Лекин акасига нисбатан Абубакр Мирзо хушбичим, хушсурат, айни вақтда шижоатли бўлиб, орадан кўп ўтмай акасига тегишли ерларни ҳам ўз тасарруфига ўтказиб олади. Тахт учун кураш барча темурийзодалар орасида тобора авж ола бошлайди. Бундай аҳволдан ташвишга тушган Улуғбек ва унинг атрофидаги амалдорлар ҳам ўз мавқеи ва эгалик қилаётган ҳудудларини сақлаб қолишга интилиб, мухолифларни турли йўллар билан бартараф этишга киришадилар. Абубакр Мирзо шу зиддиятларнинг қурбони бўлган. Бу аҳволни темурийлар сулоласи тарихининг йирик тадқиқотчи олими, замондошимиз марҳум Турғун Файзиев "Мирзо Улуғбек авлодлари" деган китобида ишончли тарихий манбалар асосида барча тафсилотлари билан яхши ёритиб берган.

Бу олимнинг ёзишича, Абубакрни қўлга олиш учун Самарқанддан Балхга Шайхулислом мавлоно Исомиддин юборилган. Бу вақтда Абубакр Мирзо ҳали уйланмаган йигит бўлган. Шайхулислом Абубакрга Улуғбек яъни "ул зоти олий бобаракотнинг Сиз олий нажод шаҳзодайи навжувонга ихлослари бағоят баланддур. Бовужуд Сизни ўз фарзанди аржумандларидек билиб, кўп соғунғондурлар. Боз устига Сиздек шаҳзодайи жувонбахтни ўзларига куёв қилмоқ тараддудида бўлиб, пардайи исматда ўлтурғон Билқиси даврон Робия Султон бегимни Сиз жаноблари-нинг аҳди никоҳингизга киритмак фикридадурлар", - деб алдаб, Самарқандга олиб кетишга муваффақ бўлади. Унинг шарафига зиёфатлар берилади. Бироқ орадан кўп ўтмай, қариндошлар орасида нифоқ чиқиб, шаҳзода душманликда айбланиб, ҳибсга олинади ва қатл этилади. Бу вақтда Абубакр Мирзо энди 21 ёшга қадам қўйган эди.

Алишер Навоий Абубакр Мирзо шахси ва унинг адабий истеъдодига алоҳида меҳр ва муҳаббат билан қараб, унинг шахсини ҳам, ижодини ҳам ғоят самимий таъриф ва талқин этиши заминида, бизнинг фикримизча, унга хайрихоҳликкина эмас, юз берган фожиадан киши билмас ўкинч туйғулари ҳам ётади. Унинг сиймосида Навоий юзага чиқмай қолган ёрқин - шеърий истеъдод эгасини кўрган эди, - дейиш ҳам мумкин.

Шайхулисломнинг жирканч "фаолияти"га эса ҳар ким ўзи баҳо бера олади, деб ўйлайман.

● Тарихдан тарихдек

ТОШКЕНТ ДАРВОЗАЛАРИ

Тошкент муҳим географик замин. Шарқ ва Ғарб мамлакатлари билан савдо-сотиқ йўлида жойлашганлиги туфайли қадимда бу ерларга узлуксиз савдо карвонлари келиб-кетиб турган. Бу эса шаҳарни етти иқлим туташган масканга айлантирган.

Ўрта Осиёдаги бошқа шаҳарлар каби, Тошкент ҳам X асрда баланд мудофаа деворлари билан ўраб олинган. Уларнинг катта йўлларга туташган жойларида дарвозалар қурила бошлаган. Шаҳар ҳудуди кенгайган сари дарвозалар сони орта борган ёки вақт ўтиши билан ўрни ва номи ўзгариб турган. Ҳар бир дарвозадан шаҳар марказий бозорига элтувчи кўчалар бўлиб, улар йўналишига қараб Самарқанд, Қўқон ёки уларни назорат қилиб турган маҳалла, қабила ва уруғ номлари билан аталган. Дарвозаларни назорат қилиб туришни Амир Темур даврида дарвоза яқинидаги маҳалла зиммасига юклатиш одат тусига кирган. Шунга кўра дарвоза номлари келиб чиққан.

Ҳар бир дарвозадан ташқарида қабристон бўлган. Албатта, бунинг ўз рамзий маъноси бор. Шаҳарга кирган ва чиққан кишилар қабристонни кўргач, уларнинг қалбида ёвузлик ўрнида яхшилик ҳислари уйғонган.

XIX аср ўрталаридa, яъни Қўқон хонлиги ҳукмронлиги даврида хоннинг Тошкентдаги ноиби Беклербеги томонидан Тошкент мудофаа деворлари ва дарвозалари таъмирланади, шунингдек, қўшимча мудофаа деворлари қурилиб, янги дарвозалар ўрнатилади.

Бу пайтда дарвозалар сони 12 тага етган. Булар: Лабзак, Тахтапул, Қорасарой, Сағбон, Чиғатой, Кўкча, Самарқанд, Камолон, Бешёғоч, Коймас, Қўқон, Қашқар кабилардир. Булардан Лабзак, Қашқар, Қўқон, Коймас каби дарвозалар шаҳарнинг шарқ томонидан қурилган, кейинчалик, шаҳарга қўшиб олинган қисмига сурилган. Ўрни сурилиши муносабати билан номлари ҳам ўзгарган.

Шаҳар дарвозалари қоронғи тушиши билан ёпилган ва тонгда очилган. Фақат фавқулодда ҳодисалар бўлиб қолганида ҳоким фармойиши билан дарвозалар очилган ёки ёпилган. Дарвозахоналар устида махсус қоравулхоналар, емакхоналар ва ётоқхоналар бўлган. Ҳар бир дарвозада шаҳарга кирувчи ва шаҳардан чиқувчи карвонларни қайд қилиб турувчи божхона бўлган. Дарвозалар олдида амалдорларни қутиб олиш маросимлари ҳам бўлиб турган. Махсус ҳужраларда душман хавфи туғилганда халқни огоҳлантириш учун чалишга мўлжалланган дўмбиралар сақланган. 1865 йил Тошкент мустақиллиги тугагач дарвозалар бирин-кетин узиб ташланди.

Қуйида номлари мунозарали бўлган айрим дарвозалар ҳақида изоҳ беришга ҳаракат қиламиз.

Қашқар дарвозаси - даврига, йўналишига қараб Шайхонтоҳур, Хитой ва Оққўрғон номлари билан аталган.

Тошкент Қўқон хонлиги томонидан босиб олингунга қадар бу дарвоза Анҳор каналининг ўнг томонида бўлиб, (ҳозирги қишлоқ хўжалиги вазирлигининг биносига яқин жойда) манбаларда Шайхонтоҳур номи билан ҳам келган.

Хитой деб номланиши дарвозанинг географик жойлашиши билан боғлиқ бўлса керак, чунки Буюк ипак йўлининг бир тармоғи Тошкентнинг шу дарвозаси ёнидан ўтган. Шунингдек, Хитой томон йўл олган ва ундан келган карвонлар шу дарвоза орқали кириб-чиқишган. Дарвозанинг Оққўрғон дейилишига сабаб - Хўжа Аҳрор мадрасасининг вақф ерлари Оққўрғон мавзесида бўлиб, мавзега шу дарвоза орқали ўтилган. Мавзе Човли ариғининг шарқий томонида бўлган.

Кейинги йилларда дарвозани кўриқлаш 1830 йилда Қўқон хони Муҳаммад Алихон даврида ўз ватани Қашқардан қувилиб, Қўқон хонлигидан паноҳ топган мусулмонлар жойлашган маҳалла зиммасига юклатилган. Дарвозанинг сўнги номи Қашқар деб номланиши шундан.

Абдулазиз МУҲАММАДКАРИМОВ,
Халқаро "Олтин мерос" жамғармаси
Тошкент шаҳар бўлимининг раиси.

(Давоми бор)

● Шифокор маслаҳати

КАСАЛЛИК МАНБАИ – КАСАЛЛАРДИР...

Грипп касаллигини вируслар келтириб чиқаради. Унинг А, В, С турлари мавжуд бўлиб, бир-биридан фарқ қилади. Улар ташқи муҳитга чидамсиз. Қиздирилганда ва қайнатилганда тезда нобуд бўлади.

Вирусларни тарқатувчи касаллик манбаи беморлардир. Улар айниқса, касалликнинг дастлабки, бошланиш кунларида хавфли бўладилар. Масалан, бемор нафас чиқарганда, йўталганда, акса урганда, гаплашганда сўлак заррачалари билан теварак-атрофга вирусларни тарқатади. Сўлак заррачалари ҳавода тез буғланади ва улардан грипп вирусларини тутган "зарарли ядролар" ҳосил бўлади. Ана шу заррачалар ҳаво оқими билан хоналарга тарқалади. Натижада улар беморнинг кийим-бошига, ўрин-кўрпасига, уй жиҳозларига, полга тушади, хонани йиғиштирганда, кийим, чойшаблар силкитилиб қоқилганда бу заррачалар яна ҳавога кўтарилади.

Грипп йилнинг куз ва қиш фаслларида кўпроқ учрайди. Бундай мавсумийликнинг сабабларидан бири, совуқда одамлар ўз вақтларини кўпинча ёпиқ хоналарда, бинолар ичида ўтказишларидир.

Одатда грипп, касаллик юққандан сўнг бир неча соат ёки 1-2 кун ўтгач, тўсатдан бошланади. Тана ҳарорати 39-40 даражагача кўтарилади. Айниқса ёш болалар инжиқ, йиғлоқи бўлиб қолади. Мускуллари, бўғимлари, бош оғришидан шикоят қиладилар. Безовта бўлиб яхши ухлай олмайди, баъзида бемор қайд қилиши, алаҳсираши, талвасага тушиши мумкин. Бош оғриғи кучаяди, оғриқ кўз атрофларигача тарқалади ва ёруғликдан қўрқиш аломатлари кузатилади.

Касалликнинг иккинчи кунидан бошлаб юқори нафас йўллари шиллиқ пардасида зарарланиш аломатлари пайдо бўлади. Бурун орқали нафас олиш қийинлашади, бурундан суюқлик ажралади, бемор тез-тез қуруқ йўталади, йўтал борган сари кўпайиб ва кучайиб боради, томоқ қизаради. Хасталик одамнинг ёшига ва организмининг чидамлигига қараб турлича кечади.

Шунингдек, грипп бемор фойдаланган турли буюмлар, масалан, айтайлик, дастрўмол, идиш-товоқ, кийим-бош ва бошқа буюмлар орқали ҳам ўтади.

Шунинг учун ҳам грипп билан хасталанган кишилар тезда шифокорга мурожаат қилиши, ишга, ўқишга, кўчага чиқмаслиги ва шифокор маслаҳатига қатъий амал қилган ҳолда уйда ётиши керак.

Уларни парвариш қилаётганлар касаллик юқмаслиги учун оғиз ва бурунга тўрт қаватли тоза докани тутиб олиши ва уни 4-5 соатда алмаштириб туриши керак. Фойдаланилган дока ювилганидан сўнг дазмоллаб, қайта ишлатиш мумкин.

Касаллик тарқалишининг олдини олиш учун кўриладиган чора-тадбирларга шифокорни уйга чақириш, алоҳида хонада ётиш, томоқни иссиқ содали сув билан чайқаш, лимонли, малинали чой, наъматак дамламаси ичиш ва исириқ тутатиш тавсия қилинади. Бундан ташқари бурунга оксолин мази суртиш, хоналарни тез-тез шамоллатиб туриш керак.

Ҳайитбой ЛАТИПОВ,
тиббиёт фанлари номзоди.

МУҲАННИМЛАР ТАЪБИРИ

КЎЙ (21.03-21.04)

Севган кишингиз билан муносабатингизга рашк туфайли совуқчилик тушиши мумкин. Вазиятни фақат сизнинг қувноқлигингиз юмшатади.

СИГИР(22.0420.05)

Жаҳлингизни чиқаришга уринишлари мумкин. Иш жойингизда ҳам, уйда оила аъзоларингиз даврасида ҳам жаҳлингизга эрк берманг.

ЭГИЗАКЛАР(22.05-21.06)

Шу кунларда молиявий қийинчилик ҳар доимгидан ҳам сезиларлироқ бўлади. Ортиқча сарф-харажатларга барҳам беришга мажбурсиз.

КИСКИЧБАҚА (22.06-22.07)

Уй-жой, кўчмас мулк билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда дуч келган кишидан маслаҳат сўраш, яна унинг айтганига амал қилиш жуда хавфли эканини унутманг.

АРСЛОН (23.07-22.08)

Иш жойингизда асосий фаолиятга боғлиқ бўлмаган турли майда-чуйда гийбат гапларга қўшилмасликка ҳаракат қилинг, чунки айбсиз айбдор бўлиб қолишингиз мумкин.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)

Дўстона ва ишқий муносабатларимга дарз кетмасин десангиз, яқин кунларда дўстларингиз ва севгилингиз билан иқтисодий масалаларни муҳокама қилманг.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)

Дам олиш кунлари анча-мунча харид қилишни мўлжаллаган бўлсангиз, бу режани кейинроққа қолдиришга тўғри келади. Даромадга қараб буромад дейдилар-ку...

ЧАЁН (23.10-22.11)

Шу кунларда маъмурий-ташкилий масалалар бўйича мурожаат қилмаганингиз маъқул. Ов-рорагарчиликдан асабларингиз таранг тортилади.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)

Шу кунларни оила даврасида ўтказишга ҳаракат қилинг. Оила аъзоларингиз ва яқинларингиз учун сизнинг эътиборингиз жуда муҳимлигига яна бир бор амин бўласиз.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)

Ишдаги ҳамкорларингиз билан муҳим масалаларни муҳокама қилишда дипломатия доирасидан чиқмасликка ҳаракат қилинг. Дам олиш кунини оила даврасида ўтказинг.

КОВҒА (20.01-18.02)

Бугун-эрта бирон хатоликка йўл қўймасангиз келаси ҳафтагача хотиржам ишлашингиз мумкин. Акс ҳолда ўзингиздан ўпкалайверинг.

БАЛИҚ (19.02-20.03)

Сафарга кетаётган дўстингизнинг унга ҳамроҳлик қилиш ҳақида таклифини иккиланмай қабул қилаверинг. Сафарингиз жуда кўнгилли ўтади.

«Тошкентгуруч» ОАЖ жамоаси жамоа раҳбари Нуриддин Зоҳиддиновга падари бузруквори

Зуҳриддин отанинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Табриклаймиз!

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси Республика бошқаруви жамғармасининг Сурхондарё вилояти бўлими раиси Тиловбуғод Мустафоқуловнинг 60 ёша тўлиши муносабати билан муборакбод этади.

Обуна-2004 • Mahalla • Mahalla • Mahalla • Mahalla • Mahalla • Mahalla • Mahalla • Mahalla • Mahalla • Mahalla • Mahalla • Mahalla •

Ф. МТ-1

АБОНЕМЕНТ газета / журнал **Mahalla**

(нашр кўрсаткичи)

(нашр номи) | Комплектлар сони

йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта индекси) (Манзилгоҳ)

Кимга

(фамилияси, исми ва отасининг исми)

п.и. | жойи

НАШРНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚАСИ

(нашр кўрсаткичи)

Mahalla

(нашр номи)

Обуна баҳоси _____ сўм | Комплектлар сони

_____ йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта индекси) (Манзилгоҳ)

Кимга

(фамилияси, исми ва отасининг исми)

Эшитмадим, деманглар!!!

обуна уюштирувчи учун таҳририят мукофоти бор!

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича:

- ҳар бир фуқаролар йиғини ҳисобига 2 тадан кам бўлмаган ва обуналар сони 1000 донадан (фуқаролар йиғини сони 400 тадан кам бўлса, 850 донадан, 300 тадан кам бўлганда 700 донадан) ортиқ йиллик обуна уюштирилганда «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлимига 1 дона компьютер жамланмаси, ушбу шарт 80 фойизга бажарилганда рангли телевизор;

Туманлар бўйича:

- ҳар бир фуқаролар йиғини ҳисобига йиллик обуна 2 донадан кам бўлмаган ва умумий йиллик обуналар сони 120 донадан (фуқаролар йиғини сони 40 тадан кам бўлганда 90 дона, 30 тадан кам бўлганда 70 донадан) кам бўлмаган йиллик обуна уюштирилганда «Маҳалла» жамғармаси туман бўлинмасига бир дона рангли телевизор, ушбу шартлар 80 фойизга бажарилганда оқ-қора тасвирли телевизор;

Қишлоқ фуқаролар йиғинлари бўйича:

- ҳар бир маҳалла ҳисобига йиллик обуна 3 донадан, умумий сони 25 тадан кам бўлмаганда фуқаролар йиғинига оқ-қора тасвирли телевизор.

Ўз маҳалласида 10 донадан ортиқ йиллик обуна уюштирган маҳалла фуқаролар йиғинига таҳририятнинг пул мукофоти берилади.

ТАҲРИРИЯТ

Обуна-2004



ЭЪЛОНЛАР

Тошкент Ахборот технологиялари университети томонидан 2000 йил 25 сентябрда 32134 рақами билан Ғуломжонов Олимжон Ғуломжонович номига берилган талабалик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Тошкент вилояти Қибрай тумани "Мирзафозил ота" хусусий корхонасининг думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Mahalla

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:

Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Расул РАҲМОНОВ (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Абдунаби МАННОПОВ, Мавлуда ҚОСИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари), Бахтиёр РИЗАЕВ, Шухрат РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ, Таъна-берди ҚУРБОНОВ, Эркин ҒУЛОМОВ.

Масъул котиб: Аслиддин БЎРИЕВ

Навбатчи: Аброр БЕРДИЕВ

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

5119 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-824 1 2 3 4 5